2018 ЙИЛ 7 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 25 (13.622)

Баҳоси эркин нархда

ФАРМАЦЕВТИКА СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 6 февраль куни фармацевтика соҳасини ривожлантириш борасидаги ишлар натижадорлигини таҳлил қилиш, истиқболдаги долзарб вазифаларни белгилашга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолини сифатли ва арзон дори воситалари билан таъминлаш Президентимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Ўтган йили бу масалаларга бағишлаб бир неча йиғилиш ўтказилди. Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз ҳудудларига ташрифи чоғида соҳадаги аҳвол билан бевосита танишди. Тиббий хизматлар кўлами ва сифатини оширишга қаратилган 30 га яқин Фармон ва қарор қабул қилинди.

Аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларини арзон дори воситалари, тиббиёт буюмлари билан таъминлашни яхшилашга қаратилган қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, Президентимизнинг 2017 йил 7 ноябрдаги "Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди.

Шу каби тизимли ишлар ўз самарасини бермоқда. 2017 йили 1,6 миллиард шартли қадоқда дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқарилди. Бу 2016 йилга нисбатан 34 фоиз кўпдир.

Шунингдек, ўтган йили соҳада 71 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бошланиб, шундан 148 миллион долларлик 33 та объект ишга туширилди. 76 номдаги янги маҳсулот ўзлаштирилди.

Йиғилишда соҳадаги ишлар танқидий таҳлил қилиниб, белгиланган вазифалар ижроси қониқарли эмаслиги таъкидланди.

Фармацевтика корхоналарининг аксариятида замонавий технологиялар умуман қўлланилмайди, дори субстанциялари ишлаб чиқаришга умуман эътибор йўқ, деди Шавкат Мирзиёев. Корхоналар тўлиқ циклда маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш ўрнига, ҳали ҳам асосан хориждан тайёр маҳсулотларни олиб келиб, қадоқлаш билан шуғулланаяпти.

Йиғилишда таъкидланганидек, мавжуд 94 та корхонадан 12 тасигина маҳсулотининг бошқа давлатларда тан олинишини таъминлайдиган GMP – "яхши ишлаб чиқариш амалиёти" халқаро сертификатига эга. Буни кенгайтириш бўйича тармоқ раҳбариятида ташаббус етишмаяпти. Оддий мисол, йиллар давомида қизилмия илдизини чуқур қайта ишлашга умуман эътибор берилмаган. Ўтган йил охирида Қорақалпоғистонга ташриф давомида топшириқ берилганидан кейингина Қизилмия етиштирувчилар ва қайта ишловчилар уюшмаси тузилди.

Бу масалани алоҳида назоратга олиш кераклиги, ҳамма фақат ёввойи қизилмия илдизини йиғиш билан шуғулланмасдан, плантацияларни ташкил этиш ва илдизни чуқур қайта ишлаб, дори субстанциялари ва воситалари ишлаб чиқаришга ўтиш зарурлиги қайд этилди.

Соҳадаги аксарият корхоналар мураккаб бўлмаган, оддий формулали дори воситалари ишлаб чиқариш билан чекланаётгани танқид қилинди. Негаки, 2017 йилда соҳада ишлаб чиқаришнинг физик ҳажми 34 фоиз ошгани ҳолда қиймат жиҳатдан 16 фоизга кўпайган, холос.

Маҳаллий корхоналарга импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш учун йиллар давомида қатор имтиёзлар берилган бўлса-да, ички бозордаги талабнинг 74 фоизи импорт ҳисобига қондирилмоқда.

Импорт қилинаётган 6 минг 824 номдаги хорижий дори воситасининг ярмидан кўпини мамлакатимизда ишлаб чиқариш мумкин. Лекин ҳозирда 27 фоизи ишлаб чиқарилади, холос. Онкология, гинекология, стоматологияда ишлатиладиган дорилар тўлиқ импорт қилинмоқда.

Давлат тиббиёт муассасаларини дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш аҳволи ҳам қониқарсизлигича қолмоқда. Аҳоли бу ислоҳотлардан кутилган натижаларни ҳали умуман сезаётгани йўқ. Буни оммавий ахборот воситаларида бирон-бир ижобий муносабат билдирилмаётганидан ҳам билса бўлади, деди Президентимиз.

Йиғилишда давлат томонидан барча имкониятлар яратилганига қарамай, бу борадаги ишларни ташкил этиш суст кечаётгани, айрим муаммолар ҳамон сақланиб қолаётгани танқид остига олинди.

Хусусан, дори воситаларига эҳтиёжни аниқлаш тизими ва мавжуд эҳтиёж бўйича аниқ маълумотлар базаси яратилмаган. Жорий йилда мингта ижтимоий дорихона ташкил этиш бўйича ҳали натижали иш қилинмаган.

Фармацевтика йўналишида 7 та эркин иқтисодий зонани ташкил этиш бўйича Фармон қабул қилинганига 9 ойдан кўпроқ вақт ўтган бўлса-да, ҳали биронтасининг ҳудудида иш бошланмаган. Уларнинг бош режалари тасдиқланмаган, муҳандислик-коммуникация тармоқлари қурилмаган.

Фармацевтика соҳасидаги илмий-тадқиқот институтларининг роли умуман сезилмайди. Бугунги кунда улар томонидан ўсимлик хомашёсидан атиги 16 номдаги 1,6 тонна дори субстанцияси ишлаб чиқарилади, холос. Бундан ташқари, соҳада замонавий илғор технологияларни самарали ишлата оладиган кадрлар етишмайди.

Президентимиз бу муаммоларни чуқур таҳлил қилиб, уларни бартараф этиш бўйича истиқболдаги муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Дори субстанциялари ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш ва тўлиқ циклли ишлаб чиқаришни кенгайтириш, соҳада халқаро стандартлар ва янги инновацион технологияларни кенг жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Мамлакатимиз ички бозорида дори-дармонлар нархлари барқарорлигини таъминлаш, улар сунъий ўсишини чеклаш ва оқилона даражада ушлаб турилиши бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўриш вазифаси қўйилди.

Фармацевтикага ихтисослаштирилган эркин иқтисодий зоналарнинг бош режаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, ушбу зоналарни барча зарур коммуникация тармоқлари билан таъминлаш бўйича мутасаддиларга аниқ топшириқлар берилди.

Соҳада яратилаётган ишланмаларни амалиётга жорий этишни жадаллаштириш мақсадида Тошкент фармацевтика институтида ўқув-илмий лаборатория ва тажриба-ишлаб чиқариш комплексини ташкил этиш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда фармацевтиканинг тор йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлаш, соҳа ходимларини хорижий фармацевтика корхоналарида малака оширишини ташкил этиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

КИРИШ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон Фармонини ижро этиш, шунингдек, республикага туристлар оқимини кўпайтириш, кириш туризмини миллий иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бирига айлантириш, мамлакатнинг маданий-тарихий мероси ва табиий бойликларини кенг тарғиб қилиш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Виза режимини янада соддалаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси 1-иловага мувофиқ;

Кириш туризмини янада ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ;

Туризмни ривожлантириш масалаларида ўзаро ҳамкорликни фаоллаштиришни таъминлаш бўйича масъуллар бириктириладиган мамлакатлар ва ҳудудлар рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. 2018 йил 1 майдан бошлаб транзит бўйича ҳаракатланаётган хорижий йўловчиларга келишлари билан 72 соат муддатга қисқа муддатли кириш визаларини бериш жорий этилсин, бунда уларда учинчи мамлакатга авиачипта ва виза (зарурат бўлганда) мавжуд бўлиши ҳамда консуллик йиғимларини тўлаш талаби, шунингдек, тасдиқланган туризм дастурлари бўйича танишув турлари учун уларнинг аэропорт чегара ҳудудидан ташқарига қисқа муддатли назорат қилинадиган чиқиши тартиби назарда тутилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда ушбу бандни амалга ошириш бўйича, шу жумладан, фуқаролари келишлари билан қисқа муддатли кириш визалари бериладиган мамлакатлар рўйхатини тасдиқлашни назарда тутувчи Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитада Зиёрат туризмини қўллаб-қувватлаш бўлимини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин, унга оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, хорижий оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон тўғрисида Ислом дини ва бошқа жаҳон динларининг маданий-тарихий ва илмий-теологик маркази сифатида ахборот материалларини тарғиб қилиш ва тарқатиш юклансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Ташқи ишлар вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун:

устувор мамлакатлар ва ҳудудлардан Ўзбекистон Республикасига туристлар оқимини кўпайтириш бўйича "йўл хариталари"ни;

Ўзбекистон Республикасида зиёрат туризмини ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар режасини киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналарини Ўзбекистоннинг туризм имкониятларини намойиш этадиган зарур ахборот материаллари билан таъминласин, шунингдек, зарурат бўлганда, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналарига жойлашган мамлакатида "Ўзбекистон" туризм брендини тарғиб қилишга бағишланган тадбирларни ўтказиш учун бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан маблағлар ажратсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Молия вазирлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда хорижий туристларни жалб қилиш прогнозини ва Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари ва ходимларини жойлашган мамлакатидан туристлар оқимини кўпайтирганлик учун бюджет маблағлари ҳисобидан мукофотлаш, шунингдек, республикага туристлар оқимини ошириш бўйича юкланган вазифаларни лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарлик чораларини қўллаш тартибини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАКга Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишган ҳолда хорижий туристларни жалб қилиш прогнозини тасдиқлаш ҳамда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАКнинг хориждаги ваколатхоналари раҳбарлари ва ходимларини жойлашган мамлакатидан туристлар оқимини кўпайтирганлик учун ўз маблағлари ҳисобидан мукофотлаш, юкланган вазифаларнинг бажарилиши таъминланмаган ҳолатларда эса, жавобгарлик чораларини қўллаш тизимини жорий этиш тавсия этилсин.

7. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАКга қатновлар рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида халқаро қатновлар учун авиачипталарни таннархидан паст нархларда сотиш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК билан биргаликда икки ой муддатда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАКнинг солиқ солинадиган базасини арзонлаштирилган нархлар бўйича сотилган авиачипталар суммасига камайтириш механизмини жорий этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси:

2018 йил 1 мартгача туристларга тезкор ёрдам кўрсатиш учун ягона қисқа умумреспублика телефон рақамига эга бўлган Call-марказнинг фаолияти аутсорсинг шартларида ташкил этилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Call-марказга мурожаат қилган туристларга тезкор ёрдам кўрсатиш масалаларида идораларо ўзаро ҳамкорликни таъминласин.

Белгиланисин, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг Call-маркази фаолият юритиши билан боғлиқ харажатлар бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг маблағлари ҳисобига молиялаштирилади.

9. Белгиланисин:

туристлар учун йўналишни мўлжалга олишни енгиллаштириш мақсадида чет тилларидаги (инглиз, рус ва бошқа тилларда) кўрсаткичларни ўрнатиш ташаббуси билан чиққан хўжалик юритувчи субъектларга ушбу кўрсаткичларда улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар (хизматлар ва ишлар)нинг рекламасини жойлаштириш ҳуқуқи берилади, бунда реклама соҳасига оид қонунчилик талабларига риоя қилиниши таъминланган ҳолда жойлаштирилаётган рекламанинг умумий майдони кўрсаткич майдонининг 40 фоизидан кўп бўлмаслиги лозим;

туристлар томонидан жамоат жойлари, бино ва иншоотларни фото ва видео суратга олиш ҳеч қандай чекловларсиз амалга оширилади, рўйхати қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланадиган ҳамда барча турдаги суратга олишлар тақиқланганлиги ҳақидаги тегишли кўрсаткичлар ўрнатилган обьектлар бундан мустасно.

(Давоми 2-бетда)

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЯНА ХАЛҚАРО ВАЗИЯТГА ЎЗ ТАЪСИРИНИ КЎРСАТГАН МАШҲУР ИНСОНЛАР РЎЙХАТИДА

Испаниянинг етакчи таҳлилий марказларидан бири – Барселона халқаро муносабатлар маркази (CIDOB) 2017 йилда халқаро вазиятга ўз таъсирини кўрсатган машҳур инсонлар ҳамда воқеаларнинг 40 банддан иборат рўйхатини эълон қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бу сафар ҳам ушбу рейтингдан жой олди.

Рўйхат тўпловчилари тақдим этган маълумотларда қайд этилишича, Ўзбекистон етакчиси мамлакат Президенти этиб сайланганидан сўнг "сифат жиҳатдан янги муҳит ва некбинлик бошлангани ва буни кўпчилик кутмагани" муносабати билан эътибор қозонган. Рейтинг маълумотларида, жумладан, қуйидаги фикрлар ҳам қайд этилган:

"Бугун Ўзбекистон Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида "алоҳида баҳор"ни кечирмоқда. У ўз фаолиятининг биринчи куни давомидаёқ барча прогноз ва қолипларни синдиргани ҳолда мамлакатни очиқлик сари етаклаш жараёнининг ташаббускори бўлди. Бу жараённи ўзбек халқи аллақачон жиддий қиз этмоқда. Ўнлаб сиёсий маҳбуслар озод қилинди, қарийб уч минг киши авф этилди, минглаб одамлар махсус хизматларнинг "қора рўйхати"дан ўчирилди, матбуот илгари тақиқланган мавзуларни кўтариб чиқа бошлади. Бундай чора-тадбирлар қўшни мамлакатлар билан муносабатларни яхшилаш бўйича дипломатик ташаббуслар билан биргаликда мамлакат ичкарисида ва унинг ташқарисида ҳам кўпчилик кутмаган некбинликни уйғотгани ҳолда Ўзбекистонда янги муҳитни яратди".

Эслатиб ўтамиз: Президент Шавкат Мирзиёев 2016 йил якунлари бўйича ҳам Барселона халқаро муносабатлар маркази (CIDOB) рўйхатидан жой олган эди. Ушандаёқ Шавкат Мирзиёев раҳбарлигидаги Ўзбекистон ташқи сиёсатида янги тамойилларни кутиш мумкинлиги қайд этилган эди.

"Жаҳон" АА,
Мадрид

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ МАҚСАДИДА ҚОНУНЛАР ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Жорий йилнинг 6 февраль куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар. Халқ ноиблари таъкидлаганларидек, уларнинг қабул қилиниши ва амалиётга жорий этилиши қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишга хизмат қилади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан киритилган "Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, суд-тергов амалиёти ва қонун ҳужжатларининг таҳлили, аҳоли билан очиқ мулоқот натижалари далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш, текшириш ва баҳолаш чоғида қонунийлик ҳамда ҳолисликни таъминлашга тўсқинлик қилувчи бир қатор ҳуқуқий бўшлиқлар мавжудлигини кўрсатди.

Мазкур ҳолатлар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда ва оқибатда, аҳолининг асосли норозилигига ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судга бўлган ишончининг пасайишига олиб келмоқда.

Ушбу соҳадаги тизимли камчиликларни бартараф этиш мақсадида 2017 йил 30 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилинган эди.

Фармон қоидаларига мувофиқ, суд-тергов фаолияти давомида фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик асосларини янада такомиллаштириш мақсадида илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда "Прокуратура тўғрисида"ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Андижонда муддатли ҳарбий хизматга чақирилган йигитларни тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди. Андижон вилояти ҳокимлиги, Шарқий ҳарбий округ қўмондонлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, бўлажак аскарларнинг ота-оналари иштирок этган тадбирда миллий армиямизни янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

• Навоий шаҳридаги муҳташам Ёшлар марказида вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими, Навоий давлат педагогика институти ҳамкорлигида "Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни" мавзусида II анъанавий халқаро илмий конференция ўтказилди.

• Норин туманида учта кутубхона фойдаланишга топширилди. Эътиборлиси, кутубхоналар тумандаги илғор фермерлар ташаббуси билан барпо этилди. Мазкур кутубхоналарнинг ҳар бири 3 минг нусхадан зиёд китоб фондига эга. Зиё масканларига вилоят ҳокимлиги томонидан 60 миллион сўмликдан зиёд китоблар тўплами тухфа этилди.

ЖАҲОНДА

• Кеча Тайванда рўй берган кучли зилзила катта вайронагарчиликларни келтириб чиқарди, 2 кишининг ҳаётига зомин бўлди, 219 одам жароҳатланди. Зилзила натижасида кўп қаватли меҳмонхона қулаб тушиб, 29 киши вайроналар остида қолиб кетди. Ҳозирда бу ерда қидирув-қутқарув ишлари амалга оширилмоқда.

• Италиянинг Сан-Ремо шаҳридаги "Аристон" театрида оламга машҳур 68-мусиқа фестивали бошланди. Бу гал у миллий мусиқа ривожига бағишланганлиги боис хорижлик эстрада вакилларидан фақат Стинг иштирок этмоқда. Шунингдек, мухлислар йигирма йиллик танаффусдан сўнг яна Жанни Морандининг маҳоратидан баҳраманд бўлишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

КИРИШ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

10. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Маданият вазирлиги ҳар чоракда ва йил якунларига кўра республиканинг туризм имкониятлари ва салоҳияти, унинг тарихий шахслари, тарихи, маданияти, анъаналари, спорти тўғрисидаги энг яхши видео, фото ва аудиоматериалларни аниқлаш бўйича танловни ташкил қилиш ва ўтказиш орқали маҳаллий ва чет эллик голибларни аниқлаган ҳолда тегишлича бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, бюджетдан ташқари Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндиларни йўқ қилиш бўйича жамғарма ҳамда Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармасининг маблағлари ҳисобига тақдирлашни таъминласин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишган ҳолда 2018 йилдан бошлаб ҳар йили даромадлар прогнози ортиғи билан бажарилган маблағлар ва бошқа бюджетдан ташқари манбаларнинг маблағлари ҳисобига халқаро туризм кўргазмалари ва ярмаркаларида иштирок этиш, кейинчалик чет эл жамоатчилиги орасида тарқатиш мақсадида тегишли ахборот материалларини тайёрлаш ҳамда хорижий оммавий ахборот воситаларида реклама кампанияларини ишга солиш орқали ҳудудларнинг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш учун маблағлар ажратсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда олтин буюмлар ҳамда белгиланган тартибда тайёрланган ўлчовли ёмбилар хорижий туристлар томонидан Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқилиши тартибининг соддалаштирилишини назарда тутадиган Ҳукумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси икки ой муддатда:

Маданият вазирлиги ва "Ўзбеккино" миллий агентлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Маданият вазирлиги ҳамда "Ўзбеккино" миллий агентлигининг буюртманомаларига кўра хоҳижий ижодий гуруҳларга республиканинг туризм салоҳияти тўғрисидаги фото ва видеоматериалларни тайёрлаш учун учувчисиз учиш аппаратларини, жумладан, дронларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинча олиб кириш ва улардан фойдаланиш учун рухсатномаларни бериш тартибини кўзда тутадиган Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2018 йил 1 июлгача бўлган муддатда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК, Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида "Қарши" халқаро аэропортини "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАКнинг таркибидан чиқариб, халқаро аэропортларни бошқариш бўйича махсус компания бошқарувига бериш, аэропорт ҳудудида "Очиқ осмон" режимини, шу жумладан, лоукостер авиакомпанияларини жалб қилган ҳолда жорий қилишни назарда тутувчи "Қарши" халқаро аэропортини ривожлантириш концепциясини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3217-сон қарори билан ташкил этилган Хорижлик туристлар, жумладан, зиёрат қилиш мақсадида келаётган туристлар учун виза ва рўйхатдан ўтиш тартиботларини босқичма-босқич соддалаштиришга доир таклифлар тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳга ҳар чоракда тегишли маълумотлар киритган ҳолда ушбу қарор билан тасдиқланган Виза режимини янада соддалаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар режасининг амалга оширилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда:

ушбу қарор билан тасдиқланган Кириш туризмини ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар томонидан бажарилиши устидан доимий мониторинг олиб борилишини;

мониторинг якунига кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3217-сон қарори билан ташкил этилган Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашга режалаштирилган чора-тадбирларнинг белгиланган муддатларда сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида тегишли қарорларни қабул қилиш учун ҳар чоракда таклифлар киритиб борилишини таъминласин.

16. Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш (А.Арипов):

ушбу қарорда назарда тутилган тадбирларнинг сўзсиз, ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан доимий ва тизимли назорат ташкил этилишини;

вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари – масъул ижрочиларнинг ушбу қарор билан тасдиқланган Кириш туризмини янада ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар режасининг сўзсиз бажарилиши юзасидан улар томонидан кўрилаётган амалий чораларнинг ҳар чоракда эшитилишини таъминласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.Р.Холмурадов ва Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг раиси А.А.Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 6 февраль

ЁШЛАР МАСАЛАЛАРИ ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ

Пойтахтимиздаги Ёшлар пресс-клубида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси – Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгашининг раиси Қаҳрамон Қуронбоев раислигида видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ҳамда туман, шаҳар ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгашлари раислари, уларнинг ўринбосарлари, маҳаллий Кенгашлар раислари, ҳудудий ИИБ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармалари бошлиқлари, туман, шаҳар ички ишлар бошқармалари, бўлимлари бошлиқларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари ҳамда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий ва туман, шаҳар кенгашлари раисларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари иштирок этди.

Видеоселекторда ҳудудларда ёшлар масалалари бўйича ишларга талаб даражасида қаралмаётгани, масъул ходимларнинг фаолиятида совуққонлик кузатилаётгани танқидий таҳлил қилинди. Бу каби камчиликлар оқибатида мамлакатимизда ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари кўпаяётгани айтилди.

Вилоятлар ва туманларнинг ёшлар масалалари бўйича масъул ходимлари ҳисобот берди.

Ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш, бу борада таълим муассасалари ва ички ишлар органларининг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва масъулиятини ошириш, ўқувчи-ёшларнинг дарсдан ташқари вақтларини самарали ўтказишни ташкил этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш, ёшларда тадбиркорлик қобилиятини шакллантиришга алоҳида эътибор бериш, бу жараёнга малакали кадрларни жалб этиш, ёшлар учун бизнес соҳасига оид адабиётлар яратиш каби долзарб масалалар муҳокама қилинди. Жорий йилда жойларда ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича устувор вазифалар ҳамда истиқболдаги режалар белгилаб олинди.

ЎзА

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ МАҚСАДИДА ҚОНУНЛАР ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тақдим этилаётган қонун лойиҳасида Жиноят кодексининг 237-моддасига, хусусан, касбга оид ўз мажбуриятларини ҳалол ва виждонан бажараётган, жиноятчиларнинг ёки учинчи шахсларнинг манфаатлари йўлида муайян ғайриҳуқуқий қилмишлар содир этишни рад этувчи давлат органлари ходимлари билан муносабатларда ўч олиш усули сифатида жиноятчилар томонидан кўп фойдаланиладиган ёлғон хабар бериш ҳақидаги нормага ўзгартиш киритилмоқда.

Депутатлар кўриб чиқилаётган қонун лойиҳасининг келажакдаги ижроси борасида прокуратура органларининг ролини алоҳида қайд этиб ўтдилар. Ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши билан прокуратура органлари қонуннинг озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаётган, қамоқда сақланаётган, ушлаб турилган ёки маъмурий қамоққа олинган шахслардан жиноятлар тўғрисидаги олинган ариза, хабар ва бошқа маълумотларни зудлик билан қайд этиш ва ҳал қилиш борасидаги талабларига риоя этилишини албатта текширишлари лозим бўлади.

Қизғин баҳслардан сўнг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини таҳлил этиш натижаларига кўра Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Депутатларнинг фикрига кўра, фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳамда илгари судланган ёки яқин қариндошлари судланган шахснинг эркин иш танлаш ҳуқуқи қонунларда аниқ назарда тутилмаган ва амалиётда яқин қариндошларининг судланганлиги асосида шахсни ишга қабул қилишни рад этиш ҳоллари кузатилмоқда.

Хорижий мамлакатларнинг қонун ҳужжатларини ўрганиш шуни кўрсатдики, Франция, Латвия, АҚШ, Буюк Британия қонунларида турли белгиларига кўра камситиш, шу жумладан, шахснинг судланганлиги асосида уни ишга қабул қилишни рад этиш тақиқланган.

Депутатларнинг таъкидлашича, Меҳнат кодексига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар давлат хизматига садоқатли, ташаббускор кадрларни жалб этишга, меҳнат қилиш ҳамда ишни эркин танлаш ҳуқуқи кафолатларининг кучайтирилишига хизмат қилади.

Мунозаралар якунларига кўра, биринчи ўқишда кўриб чиқилган қонун лойиҳалари маъқулланди.

Мажлисда парламент Қонунчилик палатасининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати

ФУҚАРОЛАР ЭМАС, ҲУЖЖАТЛАР ҲАРАКАТЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги "Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда 2017 йил 12 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолияти ташкил этилди.

Агентлик фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати томонидан; агентликнинг ҳудудий бошқармалари фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхоналари томонидан давлат хизматлари марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналари томонидан амалга оширилиши белгиланди.

Мазкур Фармон ва Қарорга асосан Агентликка жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда мазкур соҳада давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси юклатилди.

Бир сўз билан айтганда, давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида ортиқча маъмурий тартиб-тамойилларни бартараф этиш ҳамда давлат хизмати кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини доимий равишда назорат қилиб бориш имконияти яратилди. Шунингдек, юқоридаги қарор асосида тадбиркорлик субъектларига "Ягона дарча" тамойили асосида Давлат хизматлари марказлари ташкил этилиши белгилаб қўйилди.

Эндиликда, Давлат хизматлари марказлари томонидан 2018 йил 1 апрелдан бошлаб нафақат тадбиркорлик субъектларига, балки жисмоний ва юридик шахсларга ҳам давлат хизматлари кўрсатилади.

Масалан, муҳандислик-коммуникацияларига тайёр ҳолда уланиш, болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича ариза бериш ҳамда фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш шулар жумласидандир.

2018–2020 йилларда босқичма-босқич жорий этиладиган "Ягона дарча" тамойили бўйича фақат Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари рўйхатига асосан жисмоний ва юридик шахсларга мазкур йиллар оралиғида кўрсатиладиган давлат хизматлари сони 58 тагача кўпайиши белгиланган.

Ҳозирги кунда Давлат хизматлари марказлари томонидан тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган давлат хизматлари сони 37 тани ташкил этмоқда.

Биргина Тошкент шаҳрида туманлар кесимида фаолият юритиб келаётган 11 та Давлат хизматлари марказлари томонидан 2018 йил 1 февраль ҳолатига давлат хизматлари соҳасида жами 2 271 та аризалар қабул қилиниб, тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотларга кўриб чиқиш учун юборилган. Марказлар томонидан 2018 йил 1 февраль ҳолатига Тошкент шаҳри бўйича 2 754 та юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган бўлса, шундан 23 таси хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарни ташкил этади.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг Фармонига асосан давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида аҳолига бир қатор қулайликлар яратиш мақсадида зарур чора-тадбирлар амалга оширилади.

Жумладан, давлат хизматлари турлари бўйича етарли "дарча"лар, кутиш жойлари, Интернет тармоғидан фойдаланиш имконияти бўлган ўзига ўзи хизмат кўрсатиш бурчаклари, она ва бола хоналари, ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай шароит, тўхташ жойи ҳамда бошқа зарур инфратузилмаларни ўз ичига олган Марказлар ташкил этилади.

Марказларда марказ ходимларидан ташқари, ваколатли органлар вакиллари, шу жумладан туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари доимий аҳоли хизматида бўлади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари биноларида Марказлар фаолияти тўғрисидаги батафсил маълумотлар киритилган стендлар жойлаштирилади. Бундан ташқари аҳоли вақтини тежаш мақсадида Марказларда электрон навбат, телефон қўнғироқлари орқали автоматлаштирилган рўйхатга олиниш тизими жорий этилади. Тезкор алоқалар, расмий веб-саҳифалардаги интернет-ботлар, ижтимоий тармоқлар ва мобиль иловалар ёрдамида аҳоли билан қайта алоқанинг самарали тизими йўлга қўйилади.

Шунингдек, замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан келиб чиқиб давлат хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида барча марказлар ҳамда марказлар орқали давлат хизматлари кўрсатувчи ваколатли давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг оптик линияли алоқа каналларига уланиши таъминланади.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, эндиликда "Халқ давлат органлари учун эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак" деган устувор ғоя ҳамда "Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади" тамойили том маънода амалиётга татбиқ этилади. Жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида уларнинг тезкорлиги, шаффофлиги ва фойдаланиш имкониятларининг таъминланиши ва шу йўл билан ортиқча сансалорликлар бартараф этилиши йўлга қўйилаб бу аҳолининг давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотларга нисбатан ишончининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Мирзоҳид ОБИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхонаси мудири

ДЕПУТАТЛАР ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

Бугун мамлакатимизда инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш, уларни ҳаётга татбиқ этиш давлат сиёсати даражасида амалга оширилмоқда. Ушбу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли илм аҳлига изланишлар олиб боришлари учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Улар ўз ғоя ва ташаббусларини амалиётга жорий этиб, республикамиз иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшаяптилар.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига Мурожаатномасида янги – 2018 йилнинг юртимизда Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили деб эълон қилингани ҳам ушбу сўзларнинг яққол далили бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг собиқ ва амалдаги депутатлар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш, дўстона мулоқот ўрнатиш бўйича таклифни илгар сурганлигини инобатга олиб, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши, Халқ депутатлари Сергели туман Кенгаши депутатлари, "Адолат" СДП, "Ўзиккиламчиранглиметалл" АЖ билан яқин кунларда "Инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш ярмаркаси" ташкил этишга келишиб олинди.

Ярмарка корхоналар, илмий ташкилотлар ва олий таълим муассасалари ўртасида ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад ёшларнинг илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятини ривожлантириш, инновацион технологияларга қизиқиши баланд бўлган ёшларни кашф этиш ва уларнинг янги, рақобатбардош инновацион ғояларини ҳаётга тадбиқ этиш учун зарур бўлган молиявий ресурсларни сафарбар этишдан иборат.

Шунингдек, тадбирда ёш олимлар, тадқиқотчилар, талабаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг илмий ва амалий ишланмаларини намойиш этиши учун кенг имкониятлар яратилиши кўзда тутилган.

Унда энг яхши инновацион ғоялар сараланиб, муаллифларга ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари топширилиши режалаштирилган.

Ишонамизки, ушбу тадбир иқтисодиётимизнинг барча тармоқларини инновацион ривожлантириш, мамлакатимизнинг илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш салоҳиятини янада оширишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Мирлазиз САИДОВ,
Халқ депутатлари Сергели туман Кенгаши депутати

Миллий матбуот марказида Коррупцияга қарши курашиш ва тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган ҳолатларни бартараф этишга қаратилган давра суҳбати бўлиб ўтди.

КОРРУПЦИЯ – ЮКСАЛИШГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛУВЧИ ИЛЛАТ

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан ташкил этилган тадбирда прокуратура, адлия, солиқ, статистика, марказий банк, божхона ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар ходимлари ва тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистгон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги ҳамда давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 2 февралдаги "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий онгини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, бу иллатга қарши курашиш борасида қилинаётган ишлар юзасидан сўз юритилди.

Адлия бошқармаси катта маслаҳатчиси Жаҳонгир Алмуратов коррупцияга қарши курашишда амалга оширилган ишлар ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун яратилаётган имкониятлар, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар борасида батафсил гапириб ўтди.

Шунингдек, статистика соҳасида ахборот коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, давлат интерактив хизматларнинг самарали фаолиятини таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар ва бу борада фойдаланувчилар учун яратилган имкониятлар борасида Статистика бошқармаси, тижорат банклари томонидан 2017 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган хизматлар ва ажратилган кредитлар тўғрисида Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бош бошқармаси вакиллари томонидан маълумотлар берилди.

Давра суҳбатида Яшнобод туманидан келган якка тартибдаги тадбиркор Жасур Тухсанов сўзга чиқиб, фаолиятини янада кенгайтириш ва қўшимча иш ўринларини яратиш мақсадида ер ажратиб беришда амалий ёрдам кўрсатишни сўради.

Шайхонтоҳур тумани "GANO-SHIFO" МЧЖ бош директори Л.Аббарова эса Шайхонтоҳур туман ҳокимиятининг "SHAYHONTOHUR AVTO AGRO" Давлат корхонасига қарашли Шайхонтоҳур тумани, Беруний кўчасидаги 2-уйнинг орқа қисмида жойлашган бўш турган ва фойдаланилмаётган ер майдонини "0" қийматида сотиб олишда ёки кафолатланган шартнома асосида узоқ муддатга бепул фойдаланиб туришни сўраган. Тадбиркор бу ерга инвестиция лойиҳаси асосида сармоя киритиш шарти билан спорт ва соғломлаштириш мажмуасини ташкил этиш ҳамда қўшимча иш ўринларини яратиш мақсадида эканлиги ва фойдаланилмаётган ертўлани ўз ҳисобидан таъмирлашини билдирган.

Ушбу масала юзасидан 2016 йилдан буён ҳозирги кунга қадар кўплаб тегишли ташкилотларга оғзаки ва ёзма мурожаатлар қилганлиги, аммо ҳеч қандай амалий ёрдам кўрсатилмаганлигини баён қилиб, шу масалада ёрдам берилишини сўраб мурожаат қилди.

Шу билан бирга, йиғилишда қатнашган бошқа кўплаб тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган саволлари, муаммолари ва таклифлари билан мутасадди ташкилотлар вакилларига мурожаат қилди. Тадбиркорларни қийнаётган масалаларни жойида ҳал қилиш бўйича чоралар кўрилди.

Абдуалим САЛИМОВ

ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Барчамизга маълумки, мамлакатимизда олиб борилаётган барча ислоҳотлар замирида аввало инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари ётади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш, жамиятда юксак ҳуқуқий маданият, қонун ва инсон ҳуқуқларига ҳурмат муносабатини шакллантириш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш белгилаб қўйилди.

Сўнгги йилларда инсон, унинг ҳуқуқи, эркинлиги, қонуний манфаатларини таъминлаш учун давлатимиз раҳбари ташаббуси билан кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Лекин яратиб берилаётган бу имконият ва шарт-шароитлардан фуқароларимиз доимий равишда тушуниб ва ундан фойдаланиб келишмоқдами? Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, қонунларни қабул қилиш – бу ишнинг бир қисми, холос. Асосий масала – қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга ва масъул ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун талабларига қатъий амал қилинишини таъминлашдан иборат.

Ўтган 2017 йил Давлат дастури доирасида 30 дан ортиқ қонунлар ҳамда 900 дан ортиқ қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши кенг кўламли ислоҳотлар, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, халқ фаровонлигини юксалтиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилди.

Ҳар қандай ислоҳотнинг муваффақияти уни одамлар мақсадини тушунса, бажарса, бошқалардан ҳам риоя қилишни талаб қилса, ана шунда кўзланган мақсадга эришилади. Шу маънода аҳолининг ҳуқуқий билимларини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш масаласи долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Шу мақсадда "Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида"ги Қонун ҳамда "Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор билан вазирлик, давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, уларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни ижрочиларга ўз вақтида етказишни таъминлаш вазифаси юклатилди.

Қарорнинг муҳим жиҳати шундаки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳалари матнларида тегишли қонунлар қабул қилинганидан сўнг унинг ижросини таъминлаш ҳамда ижрочиларга етказиш ва аҳоли ўртасида унинг моҳияти ҳамда аҳамиятини тушунтириш бўйича масъул давлат органлари кўрсатилиши белгиланди ҳамда ҳозирда қабул қилинаётган қонунларда мазкур талабга тўлиқ риоя қилинаяпти.

Адлия вазирлиги ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш соҳасида махсус ваколатли давлат органи этиб белгиланди. Қарор билан Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгашининг ҳудудий комиссиялари ташкил этилди.

Бу соҳада парламент назоратини таъминлаш мақсадида Қонунга асосан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашларига ҳуқуқий тарғибот ва маърифатнинг ҳолати ҳақида ҳар йили ахборот тақдим этиши мустаҳкамлаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотларининг миллий базаси — "Lex.uz" фуқароларнинг қабул қилинаётган қонунларни дунёнинг исталган нуқтасидан туриб кира олиши ҳамда расмий манбаа сифатида бемалол фойдаланиш имкониятини берди. Маълумотларга қараганда, ҳозир ўзбек ҳамда рус тилларидаги 43 мингдан ортиқ ҳужжатлар жамланган ушбу базадан бир кунда 15 мингдан ортиқ жисмоний ва юридик шахслар бепул фойдаланмоқда.

Қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмун ва моҳиятини кенг аҳоли қатламига ва ижрочиларга етказиш мақсадида Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижрочиларга етказилиши ҳамда моҳияти ва аҳамиятининг аҳоли ўртасида тушунтирилиши юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

"Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ахборот-таҳлилий материалларни тизимдаги барча идораларга электрон шаклда юбориш, қабул қилинган қонун ҳужжатларини ўз расмий веб-сайтларига жойлаштириш, шу жумладан босма ва электрон оммавий ахборот воситалари ходимлари учун марказий ва ҳудудий матбуот анжуманларини ўтказиш кабилар белгиланган.

Бундан ташқари кўпчилик ёшларимиз кенг фойдаланадиган ижтимоий тармоқларда ҳам қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини тушунтириш ишлари йўлга қўйилди.

Қонун билан тарғибот усуллари ва муддатлари аниқ белгилаб қўйилди. Қонуннинг 19-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилувчи ва ишлаб чиқувчи органлар ушбу ҳужжатлар қабул қилинганидан кейин бир ҳафталик муддатда ҳуқуқий тарғибот бўйича чора-тадбирлар режасини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган намунавий тадбирлар режаси асосида ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши керак.

Ҳуқуқий тарғибот конференциялар, учрашувлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва мулоқотлар ўтказиш, оммавий ахборот воситалари орқали, шу жумладан телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларни ташкил этиш, босма ва электрон оммавий ахборот воситаларига мақолалар ва ҳуқуқий-ахборот материалларини жойлаштириш орқали, шарҳлар, рисолалар, плакатлар, буклетлар ва флаерлар тарқатиш, ижтимоий рекламалар ҳамда тарғиботнинг қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа турлари орқали амалга оширилиши кўрсатиб қўйилди.

Амалга оширилган ишлар билан бир қаторда қайд этиш жоизки, ҳали бу соҳада қилинадиган ишлар талайгина. Айниқса, умумий тарғиботдан фуқароларни безовта қилаётган масалалар бўйича тарғиботга ўтиш даври келди. Айниқса бунда "Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 35-моддасидаги давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари ҳар чоракда мурожаатларни умумлаштирадилар ва таҳлил қиладилар деган талаблардан келиб чиқиб, мурожаатларда тез-тез кўтарилган масалалар бўйича ҳуқуқий тарғибот ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, янги қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини аҳолига етарли даражада етказиш мақсадида мобиль компаниялар имкониятларидан фойдаланиш, қабул қилинган қонунларнинг энг муҳим жойларини қисқа SMS хабар сифатида тарқатиш чораларини ҳам ўйлаб кўриш жоиз. Бунинг оқибатида турли хил ҳуқуқбузарликлар, қонунбузарликларнинг олди олинган бўлар эди.

Тарғибот асосан матнли кўринишда бўлаётганлиги ёшларни қонунларни ўрганишига айрим ҳолларда эътиборсизлик ҳолатларига олиб келмоқда. Шунинг учун кўргазмали материаллардан фойдаланиш, схематик ифодалашни қўллаш таклиф этилади.

Қонунларни кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйиш амалиётининг юртимизда қўлланилиши ҳам аҳолининг ҳуқуқий билимларини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Бутун бошли лойиҳани муҳокамага қўйиш ижобий ҳол, бироқ аҳоли конкрет, қисқа, лўнда, оддий, равон тилда нима ўзгараётганини билгиси келади ва шунга муносабат билдиради. Шунинг учун худди референдумда қўйилган масала сингари, концептуал масалаларни узоғи билан бир бетда ифодалаб, аҳолининг фикрини сўраш тўғри бўларди.

Ҳар қандай ҳуқуқий тарбияда таълим тизими муҳим аҳамият касб этади. Бироқ ҳозирда мактабларда ҳуқуқий фанларга ажратилаётган соатлар жуда кам соатни ташкил этмоқда. Шунинг учун таълим муассасаларида ҳуқуқий фанларга ажратилган соатларни кўпайтириш, бошқа фанларни ўтишдаям қонун ҳужжатларидан фойдаланиш лозим.

Қонун ҳужжатларини тушунтиришда, шунингдек, инсон қалбига йўл бўлган санъат воситаларидан, хусусан кинофильмлар, спектакллар, мультипликацион фильмлар яратишда ҳуқуқнинг асосларидан элементлар сифатида қўллаш, замонавий ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, судьялар, прокурорлар, адвокатлар, юрист-консультантлар, тергговчиларни мактабларда ҳафтада бир марта ҳуқуқий фанларни ўтишга жалб қилиш каби тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришда маҳалланинг ролини ошириш, келгусида ҳар бир маҳаллада юридик маслаҳатхоналарни йўлга қўйиш ҳам фойдадан холи бўлмайди.

Хулоса қилиб айтганда, қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш, қонунлар мазмун-моҳиятини халқимиз ва ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ҳуқуқий маданиятли инсонлар – жамият бойлиги ва айни вақтда етуклигининг ҳам белгисидир.

Мухлиса ТАДЖИЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ходими

9 февраль – Алишер Навоий таваллуди куни

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида "Навосиз улуснинг навобахши бўл..." деб номланган мушоира кечаси бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, навоийшунос олимлар, ёзувчи ва шоирлар, тадқиқотчилар, ёш ижодкорлар қатнашди.

НАВОСИЗ УЛУСНИНГ НАВОБАХШИ БЎЛ

Алишер Навоий асарларида эл-улус хизматида бўлишдек шарафли касбнинг аҳамияти, халқ манфаатлари ҳар нарсадан устунлиги, вафо, садоқат каби туйғулар поклиги таърифланган. Бу каби эзгу ғояларни изчил ўрганиш, ёшларимизнинг онгу шуурига чуқур сингдириш оқил ва билимли мутахассисларни, комил инсонларни вояга етказишда муҳим омил бўлади.

Алломанинг ўгитлари ёш авлодда юксак маънавият, эл-юрт тақдири учун дахлдорлик, ватанпарварлик, бағрикенглик каби эзгу фазилатларни шакллантирибгина қолмай, жамиятнинг ҳар бир жабҳаси, турли мутахассислар учун жуда аҳамиятли.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг янги биносида ўтказилган илк мушоира кечаси сўз мулкининг султони Алишер Навоий ижодига бағишлангани учун ҳам ўзгача файз ва кўтаринки кайфиятда ўтди. Анжуманда шоир ғазалларидан, таниқли шоирларнинг ижодий ишларидан намуналар ўқилди.

Навоий ижодини ўрганиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар, бу борадаги янги илмий тадқиқотлар, юртимизда ижодкорларга берилаётган кенг имкониятлар, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида яратилаётган шарт-шароитлар хусусида сўз борди.

Б.МЕЛИҚУЛОВА

ТИББИЙ КЎРИКДАН ЎТКАЗИЛДИ

Ватанимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлаш йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ҳукуматимизнинг доимий эътиборида.

Мудофаа вазирлиги ҳамда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди ҳамкорлигида хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбийларнинг оила аъзолари фонднинг Тиббий ташхис марказида тиббий кўрикдан ўтказилди.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида истиқомат қилаётган 50 нафар оила педиатр, окулист, эндокринолог, гинеколог, терапевт, хирург каби шифокорлар қабулида бўлди. Уларга марказ шифокорлари томонидан "Совуқ ҳавода шамоллашдан сақланиш", "Ўсмирлик даврига хос хусусиятлар", "Уй шароитида камқонликнинг олдини олиш", "Қандли диабет нима?" каби мавзуларда тушунча ва тавсиялар берилди.

Умида Ашерованинг турмуш ўртоғи Шермуҳаммад Ашеров 2000 йил хизмат бурчини ўташ вақтида мардона ҳалок бўлган.

– Ўша пайтда турмуш қурганимизга эндигина уч йил бўлганди. Мен эса бир ярим ёш қизим билан ёлғиз қолгандим. Яқинда қизим 19 га киради, – дейди Умида опа. – Ўтган вақт давомида давлатимиз раҳбарияти, қолаверса, Мудофаа вазирлиги томонидан бизга моддий, маънавий ёрдам бериб келинмоқда. Ўтган йил июнь ойида қизим билан Хитойга дам олишга йўлланма беришди. Мунтазам тарзда тиббий кўрикдан ўтишга чақиришади.

Бундай тадбирлар Ватанимиз тинчлиги учун жон берган ҳарбий хизматчилар оилаларига бўлган юксак эътиборнинг амалдаги кўринишидир. Зеро, Ватан ўзининг мард қаҳрамонлари жасоратини ҳеч қачон унутмайди.

И.АҲАТОВА,
ЎзА мухбири

Партиялар фаолиятидан

САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари томонидан 2017 йилда 9 минг 17 та хонадоннинг аҳволи ўрганилиб, 1 минг 941 нафар тадбиркорлик субъекти вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. Мазкур учрашув ва мулоқотлар давомида аҳоли томонидан кўтарилган олти мингдан зиёд масаланинг 22 фоиздан ортиғи фракция аъзоларининг саъй-ҳаракати билан жойида ҳал этилган.

Миллий матбуот марказида ташкил этилган матбуот анжуманида шулар ҳақида сўз борди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари Ҳ.Кетмонов фракция томонидан "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурининг ижросини таъминлаш йўналишида амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот берди.

Президентимизнинг "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган эзгу ғояси барча даражадаги давлат бошқаруви органлари, жумладан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси фаолиятининг асосига айланган.

2017 йилда Қонунчилик палатаси депутатларининг жойларда сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш тизими жорий қилинди. Шу асосда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, жумладан, фракция аъзолари томонидан февраль-июнь ойларида мамлакатимизнинг 67 та туманидаги аҳвол ўрганилиб, таҳлил қилинди.

Депутатлар қўмагида 226 фуқаро ҳудудларда доимий ишга жойлаштирилиб, 128 фуқаронинг тиббий ва тиббий-ижтимоий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи таъминланди. 273 фуқарога тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қарийб 1,34 миллиард сўм миқдорида банк кредити ажратилиши таъминланди.

2017 йил давомида фракция аъзоларига сайловчилар томонидан беш мингга яқин мурожаат бўлган. Шундан 68 фоизи ижобий ҳал этилди. Қолган мурожаатлар тегишлилиги бўйича давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига юборилиб ижроси назоратга олинди.

Қишлоқ врачлик пунктлари ва қишлоқ оилавий поликлиникалари ҳамда туман, шаҳар тиббиёт бирлашмалари раҳбарларининг ҳисобот бериш тизимида фракция аъзолари ҳамда маҳаллий кенгаш депутатлари иштирок этиб, аҳолини қийнаётган масалаларни ҳал этишда ўз ҳиссаларини қўшди.

Матбуот анжуманида Халқ демократик партияси фракциясининг 2018 йилга мўлжалланган иш режаси тасдиқланганлиги айтиб ўтилди. Унда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида амалга оширишга оид Давлат дастуридан келиб чиқиб, 15 та қонун лойиҳасига таклифлар шакллантириш, 3 та қонун лойиҳасини фракция ташаббуси билан Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиш режалаштирилган. Булар "Иссиқлик таъминоти тўғрисида"ги, "Давлат минимал ижтимоий стандартлари тўғрисида"ги ҳамда "Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тўғрисида"ги қонун лойиҳаларидир.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Г.САТТОРОВА,
ЎзА мухбири

ИСЛОҲОТЛАР ТАШАББУСКОРИ БЎЛАЙЛИК

Пойтахтимизда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан "Партиянинг халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш" мавзуида ўқув-семинар ташкил этилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикер ўринбосари Н.Умаров, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати ва шаҳар Кенгаши масъул ходимлари, ижрочи котиблар, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва туман Кенгашлари депутатлари қатнашди.

Семинарда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида вакиллик органлари, депутатлар фаолиятини янги босқичга кўтариш, барча соҳада ташаббускорлик кўрсатиш муҳим масала экани алоҳида таъкидланди.

Тадбирда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикер ўринбосари, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси Наримон Умаров Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Тошкент шаҳрида халқ депутатлари туман Кенгашлари таъсис этилиши пойтахт аҳолисига ўзлари сайлаган вакиллари орқали муаммоларни ҳал этиш имкониятини яратиб бергани, ҳар бир туман, маҳалладаги муаммоларни шу ҳудудда яшаган фуқарогина яхши билиши, шаҳар туманларида халқ депутатлари Кенгашларига сайланган депутатлар аҳоли билан мулоқот ўрнатиш асосида ҳудудни ривожлантиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишлари зарурлигини таъкидлаб ўтди.

2017 йил 24 декабрда пойтахтимизда халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказилиб, сайлов натижаларига кўра Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига Ўзбекистон "Адолат" СДПдан 37 нафар номзод депутат этиб сайланди.

— Эндиликда депутатлик гуруҳи орқали ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни самарали ҳал этишда, туманлар даражасида маҳаллий бюджетни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва ижросини назорат қилишда бу муҳим аҳамиятга эга, – дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Равшан Талипов. – Шу билан бирга туман Кенгашлари сессиясида маҳаллий давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисобот ва ахборотларини эшитиш, бу орқали ўз фикр ва тавсияларини билдириш, муҳим қарорлар қабул қилиш имконини беради. Шунингдек, туман Кенгашида депутатлик гуруҳлари тузилиши сиёсий партияларнинг янада тўлақонли фаолият олиб боришига ҳамда электоратни ўйлантираётган муаммо ҳамда камчиликларни чуқурроқ ўрганиб, барча жабҳада қонун устуворлигини таъминлашда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш, ислоҳотлар самарадорлигини юксалтиришда депутатлик назорати таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади.

Иштирокчилар тизимли ташкил этилаётган ўқув-семинарлар Ҳаракатлар стратегияси асосида ишни тўғри ташкил этиш ва бу борада аниқ режага эга бўлиш имконини яратиб, партиянинг сиёсий майдонда эркин рақобат қилишини таъминлашда бугунги кунининг талабларига жавоб берадиган, партиянинг эртанги кунини таъминлаш йўлида хизмат қиладиган сиёсий жиҳатдан етук билим ва салоҳиятга эга, замон билан ҳамнафас фаолият олиб борадиган депутатларни тайёрлаб беради деган фикрларни билдириб ўтишди.

Кун тартибидаги масалалар доирасида депутатларнинг ўз сайлов округларида ишларни самарали ташкил этиш, сайловчилар мурожаатларини кўриб чиқиш, ҳудудда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда депутатлик бирлашмаларини туман ва бошланғич партия аъзолари билан алоқаларини такомиллаштириш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Семинар давомида шу ва бошқа масалалар атрофлича муҳокама этилиб, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари иш самарадорлигини ошириш ва улар фаолиятини такомиллаштириш, партия гуруҳлари аъзоларининг касбий маҳоратини ошириш, қабул қилинаётган қонун лойиҳаларининг ҳаётийлигини таъминлаш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Зиёда РАСУЛОВА

СУПЕРЛИГА ЖАМОАЛАРИ МАВСУМГА ТАЙЁР

Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳамда Профессионал футбол лигаси ҳамкорлигида жорий йилда Ўзбекистон чемпионатида иштирок этадиган Суперлига жамоаларига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.

Шуни таъкидлаш жоизки, жорий йилда Суперлигада 12 та жамоа ғолиблик учун ўзаро кураш олиб боради. Чемпионатнинг биринчи-иккинчи давраларида 1-6-ўринларни эгаллаган жамоалар совринли ўринлар учун курашни давом эттиришса, 7-12-ўрин соҳиблари Суперлигада қолиш учун баҳслашади.

Жорий йилги мавсумга 1 март кунидан старт берилади. Эътиборингизга дастлабки 1, 2-турлар тақвимини ҳавола этамиз.

1-тур

"Бунёдкор" – АГМК
"Пахтакор" – "Сўғдиёна"
"Нефтчи" – "Насаф"
"Бухоро" – "Қўқон – 1912"
"Қизилқум" – "Локомотив"
"Металлург" – "Навбаҳор"

2-тур

АГМК – "Навбаҳор"
"Локомотив" – "Металлург"
"Қўқон – 1912" – "Қизилқум"
"Насаф" – "Бухоро"
"Сўғдиёна" – "Нефтчи"
"Бунёдкор" – "Пахтакор".

Футбол янгиликлари

ФУТЗАЛЧИЛАРИМИЗ ЧОРАК ФИНАЛДА

Футзал бўйича Хитой Тайпейида уюштирилган қитъа биринчилигининг гуруҳ босқичи баҳсларини муваффақиятли якунлаган Баҳодир Аҳмедов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоаси чорак финал йўлланмасини қўлга киритди.

Осиё чемпионатининг "В" гуруҳида аввалига Жанубий Корея терма жамоасидан 13:2 ҳисобида устун келган ҳамюртларимиз тожикистонликларга қарши кечган беллашувда ҳам 4:2 ҳисобида зафар қучишди. Гуруҳ ғолиблиги учун қитъанинг кучли жамоаларидан бири Япония терма жамоасига 2:4 ҳисобида имкониятни бой берган Ўзбекистон терма жамоаси чорак финалда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Хитойда футбол бўйича 23 ёшли чарм тўп усталари ўртасида уюштирилган Осиё чемпионатида зафар қучиб, юртимизга Осиё чемпионлари сифатида ёруғ юз билан қайтган футболчиларимиз мухлислар томонидан муносиб қарши олинганлиги ҳақида гапириб ўтириш ортиқча.

Яқинда "Пахтакор" клуби мажлислар залида Хитойда зафар қучган Ўзбекистон олимпия терма жамоасини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. "Пахтакор" футбол клуби ташаббуси билан Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳамкорлигида уюштирилган маросимда Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси президенти Умид Аҳмаджонов, ЎФА Ижроқўм аъзоси, "Пахтакор" клуби президенти Бобур Шодиев, Ўзбекистон олимпия терма жамоаси мураббийлари, футболчилар иштирок этишди.

Тадбир якунида Хитойдаги қитъа биринчилигида шижоат ҳамда матонат кўрсатиб, юртимиз байроғини юксакларга кўтарган Осиё чемпионлари ҳамда мураббийларига "Пахтакор" футбол клуби томонидан мукофотлар, эсдалик совғалари туҳфа этилди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай Мурод таваллудининг 70 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди.

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, шоир Мирзо Кенжабек, таржимон Евгений Абдуллаев ва бошқалар Тоғай Мурод ҳаёти ва ижоди, адабиёт оламида тутган ўрни, адиб асарларидаги миллий қаҳрамонлар, ўзбек менталитетига хос ижодий қарашлар, маънавият ва урф-одатларимизга доир мавзулар теранлигига қаратган эътибори ва долзарб ҳаётий муаммоларни халқчиллик билан кўтариб чиққанлиги хусусида сўз юритди.

Дарҳақиқат, Тоғай Мурод асарларидаги тасвирлар халқ оғзаки ижодининг энг нодир ва ноёб анъаналарига уйғунлашган ҳолда, уларни янгича талқинда, янгича усулда ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган.

Адиб ўзининг такрорланмас ижодий йўналиши, ўлмас асарлари билан миллий адабиётимиз хазинасини бойитган. "Юлдузлар мангу ёнади", "От кишнаган оқшом", "Ойдинда юрган одамлар", "Момо ер қўшиғи", "Отамдан қолган далалар" каби асарлари бугунги кунда адабиётимизнинг энг сара асарлари деб топилиб, мухлислар қалби ва юрагидан муносиб ўрин эгаллади.

Айниқса "Отамдан қолган далалар" романи ниҳоятда ёркин ҳаётий образларга тўлалиги ва ўзгача усулда ёзилганлиги билан юксак эътирофларга сазовор бўлди ва 1994 йил ёзувчига ушбу асари учун Абдулла Қодирий номидаги давлат мукофоти берилди.

Ёзувчи ўз асарларида ҳалоллик, камтарлик, эркакларга хос мардлик, жасорат, ор-номус тушунчаларини биринчи ўринга қўйиб, юксак чўққиларда тараннум этади.

Тоғай Мурод иқтидорли қалами ўткир ёзувчи бўлиш билан бирга, моҳир таржимон ҳам эди. У Жек Лондоннинг "Бойнинг қизи", Эрнест Сетон Томпсоннинг "Ёввойи йўрға" асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда ёзувчининг асарлари устида илмий тақдиқотлар олиб борилмоқда ва асарлари чет тилларга таржима қилинмоқда.

Унинг "Бу дунёда ўлиб бўлмайди" романи 2016 йилда француз тилида нашр этилган бўлса,"От кишнаган оқшом" ва "Ойдинда юрган одамлар" қиссалари шу йилнинг бошида Москвада рус тилида "Тарлан" номи билан чоп этилди.

Адиб ҳаёти ва ижодига бағишлаб ўтказилган хотира кечасида Отатурк университети пофессори Хусайн Байдемир, Франциянинг Ле-Ман университети профессори Мишел Бушар ва россиялик шоир Вадим Муратханов истеъдодли ижодкор асарлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Тадбир сўнгида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабалари ижросида ёзувчининг "Ойдинда юрган одамлар" асари асосида саҳналаштирилган лавҳалар намойиш этилди.

Р.БАҲОДИРОВА

БОЛАЖОНЛАРГА ТУҲФА БЎЛАДИ

Келажагимиз ворислари – фарзандларимизнинг тарбиясига эътибор қаратиш, улар маънавий онгининг юксалишига замин яратиш долзарб масала.

Албатта, болажонлар маънавий дунёсининг шаклланишида мультфильмларнинг аҳамияти беқиёс. Юртимизда кейинги йилларда болажонлар учун тарбиявий аҳамиятга эга бадиий фильмлар билан бирга мультфильмлар ҳам киноижодкорлар томонидан яратилмоқда.

Жорий йил сўнггида болажонларга янги кўп қисмли "Матизнинг саргузаштлари" номли мультфильм премьераси намойиш этилса ажаб эмас.

Чунки яқинда "Ўзбеккино" миллий агентлиги бадиий кенгаши аъзолари муаллиф Исмоил Шомуродовнинг "Матизнинг саргузаштлари" деб номланган кўп қисмли мультфильм сценарийсини тасдиқлашди.

Фильм қаҳрамонлари – юртимизда ишлаб чиқарилган автомобиллардир. Шу боис унда "Матиз" билан боғлиқ қизиқарли саргузаштлар ҳикоя қилинади. Фильмни яратиш ишига Абдулатиф Ҳайдаров бошчилигидаги аниматорлар гуруҳи жалб қилинди. Зилола Ҳамидова эса рассом сифатида фильмнинг томошабоп бўлишини таъминлашга ҳисса қўшади. Айни кунларда мультфильмнинг дастлабки олти қисми бўйича ижодий ишлар жараёни бошланиб кетган.

(Ўз мухбиримиз)

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"М.Улуғбек тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Мухидов Махмудга М.Улуғбек тумани, Феруза мавзеси, 45-уй, 4-хонадон учун берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"GULLIVER GROUP" МЧЖ (СТИР: 303 639 467) Устав фондини 1 898 537 069,20 сўмдан 1 000 000 000 сўмга қисқартирилаётганини маълум қилади.
Эътирозлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой давомида кўриб чиқилади. Телефон: +99890 174-91-10.

Яшнобод тумани ТСРЎИ томонидан 5.03.2013 йилда № 004354-07 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "SUPER STAR SERVICE" МЧЖ (ИНН 302529976) таъсисчиларнинг 7.02.2018 йилдаги № 1 қарорига асосан
ТУГАТИЛАДИ
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади: +99897 706-55-61.

Тошкент шаҳри, Олмазор туманидаги РФБСМОО мактабига ўқув-йиғин машғулоти давомида спортчиларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида, шунингдек, ташкилот учун керакли хўжалик моллари хариди учун
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ
Батафсил маълумотлар учун телефонлар: 228-89-55, +99897 774-88-07.
Таклифлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилинади.

"KO'RLAR-MEHRIBONLIK" ШКнинг (ИНН 205209092) думалоқ муҳри ҳамда бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"
Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Диққат, танлов!

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ БЎЙИЧА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛИДА

Юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг тобора чуқурлашиб бораётгани том маънода халқимизнинг фаровонлигини таъминлашга ҳамда мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига хизмат қилмоқда.

Шунингдек, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш борасида жаҳон андозаларига мос қонунлар яратиш, мавжудларини такомиллаштиришга катта эътибор берилмоқда. Зеро, адолатли қонунлар жамият ҳаёти, ривожланиши ва демократик тараққиётнинг негизидир. Шу билан бирга қонунлар инсон ва жамият ҳаётининг асосий заминини яратиб, давлат ва халқ манфаатларига хизмат қилади.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлар, қолаверса, амалда қўлланаётган турли имтиёзларга асосан меҳнат аҳлига моддий ва маънавий кўмак бериш, уларнинг саломатлиги ва дам олиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, меҳнат қонунлари ва жамоа шартномаларининг ижросини мунтазам назорат қилиш, жамоатчилик онгида ўзини ўзи бошқариш кўникмаларини тарбиялаш асосий вазифаларимиз ҳисобланади. Қолаверса, "Инсонга наф келтириш – олий бахт" деган ғоя ҳаракат дастуримизнинг негизини ташкил этади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2017 йил 20 ноябрдаги "Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида"ги 8-108 "с"-сонли Раёсат қарори, унга асосан Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг 2017 йил 6 декабрдаги 12-31 "с"-сонли Раёсат қарорига мувофиқ ушбу танловга тайёргарлик ишлари бошланиб кетди.

Танловни ўтказиш бўйича комиссия кенг жамоатчиликка, иш берувчилар ва касаба уюшмалари ташкилотлари раисларига ўтказилаётган кўрик-танлов ва унинг шартларини маълум қилиш, кўрик-танловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ишларни мувофиқлаштириш, иштирокчиларга маслаҳат ҳамда услубий ёрдам бериш каби масалаларни ўз зиммасига олган.

Ҳар йили ўтказилиб келинаётган кўрик-танловда илк бор "Меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассис" номинациясининг ҳам жорий этилганлиги ушбу соҳа ёш мутахассислари учун кенг имкониятлар эшигини очиб бермоқда.

Меҳнатни муҳофаза қилишда энг яхши натижаларга эришган корхоналар, ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратишда, ходимларнинг меҳнат муҳофазасига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, соҳа бўйича қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда, энг фаол иштирок этган ёш мутахассисларни аниқлашда 4 та номинация бўйича танлов ўтказилиши белгилаб олинди.

Ушбу кўрик-танловда тармоқ бўйича энг яхши деб топилган корхона, ташкилот ва муассаса, бошланғич касаба уюшмалари ташкилоти, меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар ҳамда ёш мутахассислар қатнашади.

Кўрик-танловнинг биринчи босқичи пойтахтда фаолият кўрсатаётган корхона, ташкилот ва муассасалар, бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари, меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар ҳамда меҳнат муҳофазаси бўйича 35 ёшдан ошмаган ёш мутахассислар ўртасида ўтказилади.

Иккинчи босқичга тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгаши, учинчи босқичга эса Федерациянинг кўрик-танлов якунларини умумлаштириш комиссияси якун ясайди.

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг қарорига асосан ҳар бир тармоқ бўйича аниқланган энг яхши ташкилот, касаба уюшма қўмитаси, меҳнат муҳофазаси бўйича вакил ва меҳнат муҳофазаси бўйича ёш мутахассис номинациялари бўйича 1-, 2- ва 3-ўринни эгаллаганлар ғолиб деб ҳисобланади. Улар шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг қимматбаҳо совғаси билан тақдирланади.

Кўрик-танловнинг 2-босқичи ғолибларини тақдирлаш "28 апрель – Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни"да тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгаши томонидан амалга оширилади.

Кўрик-танловнинг 3-босқичида Федерация комиссияси 1 июнга қадар тармоқ касаба уюшмалари Республика Кенгашлари ва худудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари томонидан тизим ташкилотларида амалга оширган ижобий кўрсаткичлар баҳолаш мезонларига асосан кўриб чиқиб, биттадан ғолибларни аниқлайди.

Яна бир янгилик сифатида ҳам шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг қарорига асосан қуйидаги номинациялар бўйича ғолиблар аниқланиши белгилаб қўйилган:

Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигини таъминлаш юзасидан ишларни энг яхши ташкил этган тармоқ касаба уюшмалари Республика Кенгаши.

Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигини таъминлаш юзасидан ишларни энг яхши ташкил этган ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши.

Буларнинг барчаси – ушбу соҳа эгаларини янада ҳушёрлик, огоҳлик билан меҳнат қилишга, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга, профилактика ишларини амалга оширишга, жамоатчилик назоратини янги босқичларга кўтаришга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Р.МАХАМАДАЛИЕВ,
Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **8 февраль** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 6-8 даража совуқ, кундузи — 3-5 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **8 февралда** Тошкент шаҳрининг обҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. факс: (0-371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 235
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10877 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топширилди: 15.30
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
12345